



ФАРМАЦЕВТИКА КЛАСТЕРИ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЛМ-ФАН УЙҒУНЛАШТИРИЛАДИ, МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 декабрь куни Тошкент вилояти Зангиота туманидаги “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерига ташриф буюриб, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва кластердаги корхоналар фаолияти билан танишди, соҳадаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини бориб кўрди.

Мазкур мажмуа Президентимизнинг 2020 йил 28 январдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган, ўша йили 17 апрелда унинг қурилишига тамал тоши қўйилган.

Биринчи босқичда қарийб 20 гектар майдонда технопарк барпо этилмоқда. У

маъмурий марказ, тадқиқот ва ривожланиш маркази (R&D), фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги лабораторияси, клиник тадқиқотлар маркази, Фармацевтика техник университети ҳамда виварийни ўз ичига олади.

Бугунги кунда маъмурий марказ қуриб битказилган. 11 қаватли ушбу бинода Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, конференция зали, коворкинг

маркази, бизнес инкубатор, кутубхона, соҳа тарихи музейи жойлашган.

Давлатимиз раҳбари ушбу марказни ва навбатдаги ишотлар қурилишини кўздан кечирди.

Кластердан асосий мақсад юқори технологияларни жорий этиш орқали мамлакатимиз фармацевтика тармоғини ривожлантириш, халқаро инновацион тизимга интеграциялашиш, юқори сифатли дори

воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани ишлаб чиқариш, малакали мутахассислар тайёрлашди. Ушбу кенг қўламли мақсадлардан келиб чиқиб, Тошкент вилояти Зангиота туманидан 190 гектар ер майдони ажратилган.

Хозирги кунда бу ердаги sanoat зонасида умумий қиймати 818 миллион долларлик 21 та лойиҳа жойлаштирилган. Уларнинг биринчиси — “Grand Pharm Logistics Hub” томонидан 40 миллион долларлик дистрибуторлик маркази ишга туширилди ва 300 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Корхоналар Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Малайзия, Бирлашган Араб Амирикллари, Россия билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Президентимиз ушбу лойиҳалар ташаббускорлари билан суҳбатлашди. Инвестициялари жалб этиш ва қўллаб-қувватлаш илчил давом этирилишини таъкидлади.

Келгусида sanoat зонасида яна 620 миллион долларлик 20 та лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган.

Умуман, кластерда юқори сифатли дори-дармонлар ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилади, импорт бўлаётган маҳсулотлар маҳаллийлаштирилади, 8 минг иш ўрни яратилади. Зарур амалиётлар маркази (СХР) товарларнинг тайёрлишидан истеъмолчига етиб боришига бўлган барча босқичларда халқаро стандартларга мувофиқлик ва сифатни таъминлашга кўмаклашади.

Давлатимиз раҳбарига шу ерда барпо этиладиган Фармацевтика техник университети ҳақида ахборот берилди.

Унда фармакопей маркази, кутубхона, спорт мажмуаси, ўқитувчилар ва чет эллик ходимлар учун турар жой бўлади. Sanoat фармацияси, биокимё ва биотехнология, биофармацевтика, биоин-

форматика каби йўналишларда юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Бунинг учун таълим халқаро дастурлар асосида йўлга қўйилади, микробиология, биотехнология, ҳужайра биологияси, фармакология, таҳлилий химия каби лабораториялар ташкил этилади.

Университетга жорий ўқув йилида илк талабалар қабул қилинди. Президент улар билан мулоқотда бўлди.

— Биз ривожланган давлатлардан инвесторлар олиб келямиз. Улар Ўзбекистонга қандай қилиб баҳо беради? Сизлар билан мулоқот қилиб, Мамлакатимизнинг бойлиги — ёшлар! Фармацевтика бўйича ҳам энг яхши дастурларни қўллаб, келажак учун мутахассисларни тайёрлаб оламас, бошқаларга пул тўлаймиз, боғлиқ бўлиб қоламиз. Шунинг учун замонавий университет ташкил қилиб, дуал таълимни йўлга қўйялмиз. Бу ерда ҳам билим оласизлар, ҳам ўқиганларингизни амалда қўллаш имкониятига эга бўласиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мазкур ўқув юрти битирувчиларига Корея Республикасининг Ёнсе, Буюк Британиянинг Сандерленд ва Де Монфорд университетларининг халқаро миқёсда тан олинган дипломлари берилади. Шунингдек, Данди, Пусан ва Пердьё университетлари билан илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Президент Шавкат Мирзиёев “Tashkent Pharma Park” инновацион кластерида фармацевтика соҳасидаги корхоналар раҳбарлари билан мулоқот қилди.

Ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бу соҳада давлат томонидан кенг имкониятлар яратилмоқда. Охириги етти йилда фармацевтикада ишлаб чиқариш 2 қарра ошган. Экспорт 11 баробар кўпайган. 750 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, корхоналар сони 3 баробар ўсган.

Юртимизда 3,5 минг турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариляпти. Лекин бу талабни тўла қопламайди.

Шу бонс, давлатимиз раҳбари кўп турдаги дориларни маҳаллийлаштириш ва экспортни кенгайтириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди.

“Асакабанк” ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига йирик маҳаллий корхоналар билан бирга 2025 йилда кенг истеъмол қилинадиган 200 турдаги дори воситаларини ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни 2 баробар ошириш бўйича дастур тайёрлаш топширилди. Бундай лойиҳаларга хориждан жалб қилинган 400 миллион доллар қулай шартларда йўналтирилади.

Энди фармацевтика тармоғида Илгор лойиҳалар инвестиция жамғармаси ташкил қилинади. Бу жамғарма биофармацевтика, ҳужайра технологиялари, онкология каби йўналишлардаги лойиҳаларга улш билан қиради, уларга катализатор бўлади.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан “Асакабанк”ка соҳани ривожлантириш учун 100 миллион доллар кредит лийниси очилган. Энди бу маблағ лизинг учун ҳам берилади.

“Асакабанк” томонидан фармацевтика соҳасида янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш учун 10 миллион долларлик венчур компания очилади. Стартап лойиҳа четдан қанча маблағ жалб қилса, мазкур компания шунча пулни қўшимча экспортасиз беради.

Янги ишланмалар учун Инновация жамғармасидан 20 миллиард сўм грант ажратилади. Бу олимлар яратётган янги маҳаллий дори ишланмаларини тижорат лойиҳасига айлантириш ва стартаплар учун йўналтирилади.

Давоми 2-бетда

Таҳлил

МАҲАЛЛА БАНКИРЛАРИ ИНСТИТУТИ

аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни кескин камайтириш, мавжуд салоҳиятни юзага чиқаришда муҳим ўрин эгаллайди

Жаҳон иқтисодиётидаги бугунги мураккаб шароит ҳар бир давлат олдида мисли кўрилмаган синов ва имкониятларни қўймоқда. Пандемия оқибатлари, геосиёсий зиддиятлар, глобал қиймат занжирларидаги узилтирилган ҳамда иқлим ўзгаришлари иқтисодий сиёсат, бандлик, тадбиркорлик муҳитини қайта қўриб, мослашувчан ва тезкор стратегиялар ишлаб чиқиш заруратини туғдирди.

Шу жараёнда Ўзбекистон ҳам иқтисодиётни либераллаштириш, иш ўринларини кўпайтириш, камбағалликни камайтириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтириш бўйича кенг қўламли ислохотларни илчил давом этирмоқда.

Шу йил 16 декабрь куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида айнан шу масалалар — банкларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадди қилиш, камбағалликни камайтиришга қўшадиган ҳиссаси, оилавий ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, стартаплар, венчур капитал, инфратузилмавий лойиҳалар, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, микроолия ва факторинг соҳаларини ривожлантириш бўйича аниқ йўналишлар белгилаб берилди. Мазкур йиғилиш иқтисодиётнинг асосий қон



Банклар ва маҳалла интеграцияси: янги босқичга йўл

томири бўлган молия-банк тизимини маҳалла даражасигача тушириш, банкларни аҳоли ҳаётига бевосита аралашадиган тузилмага айлантириш, улар орқали тадбиркорликка кўмаклашиш, иш ўринлари яратиш, меҳнат ресурсларини иқтисодий айланишга жалб этиш имкониятларини кенгайтириш борасида муҳим босқични бошлаб бермоқда.

Бу жараёнлар Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб, 2025 йил ва ундан кейинги даврда аҳоли бандлигини ошириш ва камбағалликни кескин камайтиришга хизмат қилади.

Давоми 3-бетда

“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ –

нолдан яратилаётган келажак қуввати

Жорий йилнинг 13 декабрь куни Президентимиз иштирокида энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистоннинг энергетика соҳасидаги мустақиллигини мустаҳкамлаш ва энергетика тизимини диверсификациялаш йўлидаги стратегик аҳамиятга эга залворли одимдир. Бу иқтисодиётимизнинг барқарор ривожини, sanoat, қишлоқ хўжалигини ва ижтимоий инфратузилмалар учун энергия таъминоти узлуксизлигини таъминлаш билан бирга инвестиция жозибадорлигини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратишда жуда муҳимдир. Яъни мазкур лойиҳалар ҳаётий заруратнинг амалий натижаси бўлди.

Зарурат нимада?

Қайта тикланувчи энергия манбаларига заруратнинг бир неча муҳим сабаби мавжуд. Аввало, улар истеъмолчиларни барқарор ва узлуксиз энергия билан таъминлаш баробарида таъминотни барқарорлаштириш, нархларни пасайтириш ва иқтисодий самарадорликни оширишга ёрдам беради. Кўмир, нефть ва табиий газга боғлиқлик

кўп мамлакатлар учун энергия хавфсизлиги муаммосига айлиб бормоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш эса энергия мустақиллигини таъминлаш ва импортга эҳтиёжни камайтиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, атмосферага зарарли газлар чиқишини қисқартириш билан ҳам аҳамиятлидир.

Давоми 4-бетда



ҚУЁШ, ШАМОЛ ВА СУВ

Экологик тоза энергия манбаларидан оқилона фойдаланайлик

2030 йилга бориб “яшил” электр станциялари қувватини ошириш орқали Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 40 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига тўри келади. Шу аснода атмосферага 21 миллион тонна зарарли газ чиқарилишининг олди олинади. Шунингдек, бу амалиёт натижасида юртимиздаги 9 мингдан ортиқ маҳаллада яшовчи 3,5 миллиондан зиёд хонадоннинг электр таъминоти яхшиланади.

Давоми 4-бетда

ФАРМАЦЕВТИКА КЛАСТЕРИ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЛМ-ФАН УЙҒУНЛАШТИРИЛАДИ, МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ ОШИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бегда

Маҳаллий фармацевтика корхоналарига 2025 йил 1 январгача берилган божхона имтиёзлари муддати яна 3 йилга узайтирилади. Мамлакатимиз корхоналари етакчи хорижий фармацевтика компаниялари технологияси ва рецепти асосида дорилар чиқаришга тайёр. Лекин бундай кооперация учун ҳуқуқий асос яратилмагани сабабли

ҳар бир дорини янги маҳсулот каби клиник тадқиқот ва рўйхатдан ўтказишга тўғри келяпти. Бунга кўп вақт кетади. Шу боис, бу тартибни соддалаштириш муҳимлиги айtilди.

Тадбиркорларнинг экспорт бозорларини кенгайтириш учун АҚШнинг Озиқ-овқат ва дори воситалари сифати назорати бошқармаси (FDA) ҳамда Европа

тиббиёт агентлиги сертификатларини олиш харажатлари бюджетдан қоплаб берилади.

Юртимизда ўсимликларни саноат усулида етиштириб, қайта ишлаш орқали субстанция ва косметик компонент олиш ривожланипти. Шунга мувофиқ, "Асака-банк" иштирокида келгуси йилда ҳар бири 5 гектардан бўлган доривор ўсимликлар плантацияси барпо этилиб, уларни қайта ишлаш бўйича 5 та намунавий лойиҳа бажарилади.

Умуман, фармацевтикада 1 миллиард долларлик лойиҳалар шакллантирилиши белгиланди. Улар талаб юқори дори воситаларини чет элликдек сифатда ишлаб чиқариб, бозорда рақобат яратиб, нархларни арзонлаштиришга қаратилган.

Мулоқотда соҳа вакиллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулотлар сифати ва экспортини ошириш, илм ва таълимни рағбатлантириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев "Grand Pharm Logistics Hub" фаолияти билан танишди.

Ушбу логистика маркази "Tashkent Pharma Park" инновацион кластери ҳудудда ўн гектар майдонда жойлашган. Лойиҳанинг умумий қиймати 40 миллион доллар бўлиб, уч қаватли маъмурий бино, омборлар, меҳмонхона, ошхона ва ётоқхона қурилган. 300 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

Маҳсулотларни сақлаш жойи 50 минг квадрат метр. Бу ерда катта ҳажмдаги фармацевтика маҳсулотларини халқаро стандартлар асосида қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш имконияти мавжуд. Бу босқичлар тўлиқ рақамлаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу жараёнларни кўздан кечирди.

Логистика маркази "Tashkent Pharma Park" фармацевтика кластеридеги бошқа ишлаб чиқарувчиларга ҳам қўл келади. Маҳсулотларни сақлаш ва экспорт қилишларида халқаро "SAP" тизими орқали амалий ёрдам берилди. Бунинг учун дори

воситалари сифатини таъминлаш бўйича "GDP" ва "GSP" сертификатлари ҳамда божхона омбори, халқаро юкларни ташиш учун лицензиялар мавжуд.

Бу борадаги талабларни таъминлаш учун халқаро стандартларга мувофиқ ҳавони совитиш тизимлари ўрнатилган. Юкларни ортиш пайтида ҳам ҳарорат мўътадиллиги таъминланади. Йигирмадан ортиқ юк машиналарида ташиш хизматлари ҳам кўрсатилади. Мажмуада бундай транспортлар учун тураргоҳ ва техник хизмат ҳам ташкил этилган.

Бугунги кунда Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Германия, Польша, Франция, Венгрия, Руминия ва Туркия каби давлатлар билан логистик алоқалар ўрнатилган. Бу география йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Мутасаддиларга маҳсулотларни сақлаш ва расмийлаштиришда қулайликларни ошириш, таннархни камайтириб, дориларни арзонлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Компания фармацевтика бозорини мунтазам ўрганиб, тиббиёт соҳасидаги эҳтижларни ҳам таҳлил қилиб боради. Натижада етказиб бериш йўналиши кўламини кенгайтириб бормоқда. Ушбу корхона мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб 7 минг 500 дан ортиқ дорихонага товарлар етказиб беради. Шунингдек, онлайн дорихона хизмати йўлга қўйилган бўлиб, бу борадаги ҳамкорлар сони ҳам ортмоқда.

Бу ерда "GPH Academy" лойиҳаси йўлга қўйилган бўлиб, қатор олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Учта таълим даргоҳида амалий машғулот хоналари ташкил этилди. Уч минг нафар фармацевт малака ошириш курсларини ўтди. Ўттиз нафарга яқин талаба ушбу лойиҳанинг стипендия ва грантларига эга бўлди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АБВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Логистика маркази "Tashkent Pharma Park" фармацевтика кластеридеги бошқа ишлаб чиқарувчиларга ҳам қўл келади. Маҳсулотларни сақлаш ва экспорт қилишларида халқаро "SAP" тизими орқали амалий ёрдам берилди. Бунинг учун дори воситалари сифатини таъминлаш бўйича "GDP" ва "GSP" сертификатлари ҳамда божхона омбори, халқаро юкларни ташиш учун лицензиялар мавжуд.



Президент таширфидан сўнг

Туманда барпо этилаётган "Ugam River" туристик мажмуаси ҳам ҳудудда сайёҳлар оқимини янада ошириш, янги иш ўринлари яратишга туртки беради. Илгари Угам дарёси бўйидаги бу маскан тўла фойдаланилмаган, тошқоқ жой бўлган. Бу йил қиймати 1 триллион сўмдан зиёд лойиҳа доирасида қарий 14 гектар майдонда қурилиш бошланди. Ҳозир 870 хонадондан иборат 17 та кўп қаватли уй қад кўтармоқда. Бу эса аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш, кўплаб инсонларнинг мақсадларини рўёбга чиқаришга имкон беради.

Ушбу ҳудудда 16 та коттеж, 3 та ресторан, йигирмадан ортиқ савдо ва хизмат шохобчаси қурилади. Хуллас, одамлар бир пайтлар орзу қилган болалар ўйингоҳлари, ёпиқ сув ҳавзаси, фитнес ва спорт майдончалари, амфитеатр, автоту-

дарактзорга қўшимча 20 минг туп кўчат ўтказилиб, замонавий технологиялар воситасида минг куб метр дарё суви қайта ишланган ҳолда 2 мегаваттлик термал иситиш ва совитиш тизими йўлга қўйилиши айни муддаодир. Бу, ўз навбатида, туманинг туризм салоҳиятини янада оширишга ҳисса қўшади.

Кичик ГЭСларнинг катта имкониятлари

Иқтисодиёт тармоқлари ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши сари, табиийки, энергияга ҳам талаб ошиб бораверади. Шу маънода, мамлакатимизда энергия ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, электр тармоқларини модернизациялаш, хал-

манбалардан фойдаланилмоқда. Айниқса, ҳудудларда кунлик энергия таъминотида гидроэнергетика қулай ва самаралидир. Зеро, улар умумий тармоққа уланмасдан ҳар бир ҳудуд ва маҳалла кесимида электр билан таъминлай олади. Асосийси, олинмаган электр таннархи ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзондир.

Мамлакатимизда ушбу соҳани янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, сўнгги йилларда 630 миллион доллар инвестиция ҳисобидан 400 мегаваттдан ортиқ янги гидроэлектр станциялар барпо этилди. Асосийси, уларнинг қуввати 2,2 гигаваттга етказилгани эътиборга молик.

Бугунги кунда вилоятда умумий қуввати 1330 мегаватт бўлган 25 та гидроэлектр станция мавжуд, бу республикаимиздаги жами гидроэнергетика қувватининг 60 фоизига тенг, дегани. Айни чоғда қиймати 880 миллион доллар ва қуввати 340 мегаватт бўлган яна 4 та ГЭС қурилмоқда. 2028 йилгача эса вилоятда умумий қуввати қарийб 2400 мегаватт бўлган, 4 миллиард 800 миллион долларлик 23 та лойиҳа амалга оширилади. Бу орқали йил сайин сони тобора ўсиб бораётган аҳоли ва тадбирчилик субъектларини электр энергияси билан барқарор таъминлаш имкони пайдо бўлади.

етиб борамиз. Транспорт қулайликлари мамлакат ривожини кўрсатувчи ва бунинг таъминловчи омиллардан бири. Охириги йилларда юртимизда соҳа инфратузилмаси янгиланиб, шариотлар кенгайтирилиётгани ўз натижасини бераптир.

Шунингдек, темир йўл транспортда йўловчи ташиш соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини яратиб, инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш ҳамда йўловчиларга юқори даражада хизмат кўрсатилишини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 10 октябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ трансформация қилинмоқда. Жамият таркибида инфратузилма, вагон хизмати, йўловчи ташиш кабилар билан шуғулланувчи 6 та мустақил корхона иш бошлади.

Эътиборли жиҳати, поездлар парки ҳам кенгайтирилиб, йўловчи ташишда аҳоли ва сайёҳларга қулайликлар оширилмоқда. Бунинг учун янги поездлар ҳам олиб келинган. Ўтган даврда юртимизда 3 минг километрдан зиёд темир йўллар электрлаштирилди. Биргина Тошкент атрофида ҳам электрлашган йўл қурилиб, поездларни ўтказиш имконияти 30 фоиз ошди. Энди Тошкент — Хўжакент йўналишида янги электропоезд қатнови йўлга қўйилди.

Вагонларнинг шина ва ёруғ, йўловчилар учун қулайлиги аҳолини хурсанд қилмоқда. Маълумот таблолари ва ёнғин хавфсизлиги тизими ўрнатилгани, поезд соатига 120 километргача тезликка чиқа олиши, ҳар бир тарафга кунга учтадан қатнов йўлга қўйилиши вилоятдан пойтахтга қатнаб ўқувчи ва

Кейинги йилларда юртимизнинг барча гўшалари каби Тошкент вилоятида ҳам катта ўзгаришлар кузатилаётган. Аввало, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, иқтисодиётни ривожлантириш, одамларга яхши ҳаёт, қўлай шароит яратиш бўйича улкан ишлар қилинди. Кўплаб янги турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари барпо этилди.

Зухра МИРҲОЗИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Ўзгаришлар, бунёдкорлик шуқуҳи, маънавий-маданий ишлар самараси одамлар ҳаётига ҳам янгича мазмун киритди. Ўтган қисқа даврда бир неча йиллар давомида халқимизни ўйлантириб келаётган кўплаб масалалар ижобий ҳал этилди. Нафақат вилоят маркази, балки энг олис қишлоқлар ҳам мутлақо замонавий қиёфа касб этди.

Бугун вилоятнинг қай бир туманига борманг, катта-катта ўзгаришлар, аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшаётганига гувоҳ бўласиз. Йўл, ичимлик сув, электр энергияси билан боғлиқ масалалар ечилгани, янги таълим ва тиббиёт муассасалари қурилгани, энг муҳими, одамлар онги ва дунёқарашидеги ўзгаришлар шундан дарак беради.

Илгари вилоят пойтахтга яқин жойлашган бўлса-да, лекин бундай шароитлар бўлмаган, аҳоли учун қулайликлар яратишга етарлиқ эътибор қаратилмаган. Ҳозир амалга оширилаётган янги лойиҳаларни кўриб, мана, кўп йиллар давомида қилинмаган ишларни қисқа муддатда қилса бўларкан-ку, дейсиз.

Айни чоғда вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар, туризм, умуман, барча соҳаларда жуда катта имкониятлар бор. Сўнгги етти йилда ҳудуд иқтисодиёти 1,5 баробар ўсган. Саноат корхоналари 2 баробар қўлайлиб, 12 мингтага етган. Натижада ўн минглаб янги иш ўринлари яратилди, кўплаб ёшлар доимий даромад манбаига эга бўлди.

Вилоятнинг биргина Бўстонлик туманида охириги йилларда бўлаётган янгиланишларни тасаввурга сиздириш қийин. Зеро, бугун туманда инфратузилма тубдан яхшиланиб, аҳолига қўлайликлар яратишга етарлиқ эътибор қаратилган. Ҳозир амалга оширилаётган янги лойиҳаларни кўриб, мана, кўп йиллар давомида қилинмаган ишларни қисқа муддатда қилса бўларкан-ку, дейсиз.

Айни чоғда вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар, туризм, умуман, барча соҳаларда жуда катта имкониятлар бор. Сўнгги етти йилда ҳудуд иқтисодиёти 1,5 баробар ўсган. Саноат корхоналари 2 баробар қўлайлиб, 12 мингтага етган. Натижада ўн минглаб янги иш ўринлари яратилди, кўплаб ёшлар доимий даромад манбаига эга бўлди.

Вилоятнинг биргина Бўстонлик туманида охириги йилларда бўлаётган янгиланишларни тасаввурга сиздириш қийин. Зеро, бугун туманда инфратузилма тубдан яхшиланиб, аҳолига қўлайликлар яратишга етарлиқ эътибор қаратилган. Ҳозир амалга оширилаётган янги лойиҳаларни кўриб, мана, кўп йиллар давомида қилинмаган ишларни қисқа муддатда қилса бўларкан-ку, дейсиз.

Айни пайтда Тошкент вилоятида экотуризм, агротуризм, спорт туризми каби йўналишлар жадал ривожланимоқда. Худуднинг ноёб табиий ресурсларга эгалиги, флора-фауна олами бойлиги экотуризм ривожини учун беҳисаб имкониятлар тақдим қилади.

Хусусан, хушманзара тоғлар бағридаги Бўстонлик туманининг тараққиёт драйвери ҳам туризмдир. Бу ерда соҳанинг жадал ривожла-

ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН ЯНГИЛАНИШЛАР



Тошкент ва Хўжакент оралиғидаги темир йўлга туташ майдонларни 2025 йилги реновация дастурига киритиб, уларни тартибга келтиришга кўрсатма берилди. Йўналишдаги эгри қисмларни тўғри қилиб қайта қуриш орқали кунлик экспресс поездлар қатновини кўпайтириш ва кўпроқ йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш топширилди.



наётгани натижасида бугун ҳудудга таширф буюрувчилар сони 12 баробар ошди. Жумладан, беш йил олдин Бўстонликқа йилига 850 минг сайёҳ келган бўлса, жорий йилнинг 11 ойида 12 миллион сайёҳ таширф буюрди.

Бугунги кунда Чирчиқ дарёси бўйида қурилаётган "Чорвоқ дарвозаси" туристик мажмуаси эса, шубҳасиз, бу суратнинг изчил давом этишига замин яратади. Қарийб 25 гектар майдондаги мажмуада 16 та кўп қаватли уй, 3 та меҳмонхона, 2 та супермаркет, 60 дан зиёд савдо ва маиший хизмат шохобчаси, кафе ва рестороанлар, банк офиси, аквапарк, музикали фаввора, автотурагароҳ бўлади. Бу сайёҳларнинг мароқли дам олиши ва сайр қилиши учун айни муддаодир.

Ушбу мажмуа кунга 5 мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатади. Айниқса, бу ерда мавсумийлари билан бирга 2,5 мингта иш ўрни яратилиши шунча инсон ўз иши жойига, даромад манбаига эга бўлади, бахтли, фаровон яшайди, дегани.

Президентимиз шу йил 6 декабрь куни Бўстонлик туманига таширф буюриб, бу ердаги бунёдкорлик ишлари билан танишиди, хизмат турларини кўпайтирган ҳолда фаол туризмни ривожлантириш, бундай мажмуаларни бошқа туманларда ҳам лойиҳалаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятга бу галги таширфи ҳам юртдошларимиз томонидан кўтаринки руҳда, илиқлик билан кутиб олинди. Айниқса, ҳудудда экологияга алоҳида эътибор бериш, яшилликни кўпайтириш бўйича белгилаб берилган вазифалар аҳоли учун қўлай экологик шароитларни яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

раргоҳ, автомобиль кўприги, тоғ ва соҳил бўйи йўлақлари ҳам ташкил этилади. Буларнинг барчаси инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Албатта, сўнгги йилларда вилоятда туризм соҳасини ривожлантиришга бу даражада катта эътибор қаратилётгани бежиз эмас. Чунки сайёҳлар оқимини янада ошириш, уларни оҳанрабодек жалб қилиш учун, аввало, яхши шароит бўлиши керак. Сабаби, сайёҳлар кўпроқ чиройли табиатга, тоза ҳавога интилади. Бу борада мавжуд

қимзини бу муҳим манба билан узлуксиз таъминлаш масаласи давлат сиебати даражасига кўтарилади.

Бинобарин, иқтисодий ривожланишга юз тутган ҳар бир давлат ишончли ва барқарор электр энергияси таъминотини йўлга қўйишга биринчи гадаги вазифа сифатида қарамоқда. Республикаимизда ҳам энергетика соҳасини ислоҳ қилиш, энергия бозорини либераллаштириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишга устувор аҳамият берилмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда юртимизда энергия қувватларини оширишда барча

Масалан, қуввати 1,48 мегаватт бўлган Угам-1 кичик ГЭСини қуриш орқали йилига 11,8 миллиард киловатт-соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш имкони яратилди. Замонавий самарадор гидроагрегатлар ва автоматик бошқарув тизими ўрнатилди. Бунда тўлиқ юртимиз маҳсулотларини ишлатилгани диққатга сазовор.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида ҳудуддаги Чорвоқ, Хумсон ва Угам маҳаллаларидаги 5 мингта хонадон ҳамда туризм ва дам олиш масканлари узлуксиз электр энергияси билан таъминланади. Муҳими, йилига қарийб 4 миллион куб метр газ тежаллади. Ҳозирча Угам дарёсида иккита кичик ГЭС қурилди. Уларнинг ҳар биридан йилига икки юз миллиард сўм даромад олинапти.

Давлатимиз раҳбари Угам-1 кичик гидроэлектр станциясини кўздан кечириш чоғида сув оқимидан тақор-тақор фойдаланиш орқали бундай станцияларни ўнганча етказиш мумкинлигини кўрсатиб ўтди. Бу билан нафақат энергетика масаласи ҳал бўлади, балки ҳудуд инфратузилмаси ҳам яхшиланади. Тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги корхоналари пайдо бўлади.

Аёнки, қаерда энергетика таъминоти муаммолар, сабабсиз узилишлардан холи бўлса, ана шу ерда ижтимоий инфратузилма ҳам, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳам ривожланади.

Хонадонларга қувонч ва шодлик кирди

Йўллар раvon ва текис бўлса, кўзланган манзилга беҳавотир, кўнгил хотиржам ҳолда





МАҲАЛЛА БАНКИРЛАРИ ИНСТИТУТИ

аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни кескин камайтириш, мавжуд салоҳиятни юзага чиқаришда муҳим ўрин эгаллайди



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси, иқтисодий фанлари доктори, профессор

Бошланиш 1-бегда

Наманган вилояти Уччи туманида эришилган натижалар бу ёндашувнинг самардорлигини яққол кўрсатиб турибди. Мазкур туманда банклар 3200 нафар фаол миқоз билан ишлаган, уларга маблағ, консалтинг, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатган. Натигада 9 минг одам доимий ишли бўлиб, камбағаллар сони 6 мингга камайди. Бу рақамлар банкнинг одатий тижорат муассасаси бўлиши билан бирга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш каталогига айланганлигини кўрсатади.

Худди шундай жараён Сирдарё вилояти Сайхунбод туманида ҳам кузатилди. Тумандаги 3200 та хонадонда лойиҳалар ишга туширилиб, 12 минг одам ўз томоқсидан даромад олишни ўрганди. Яъни банк фақат кредит ажратиш билангина чекланмай, тадбиркорга билим, тажриба, бозор конъюнктураси, маҳсулотни сотиш стратегияси каби мураккаб жараёнларда ҳам кўмакчи бўлмоқда. Банк мутахассислари, маҳалла фаоллари ва ҳокимликлар ҳамкорлигида иш олиб бориш орқали норасмий сектордаги аҳолини расман банд этиш, уларнинг даромадини барқарорлаштириш каби натижаларга эришилмоқда.

Яна бир мисол: Жиззах вилояти Зарбдор туманида 13,5 минг, Бухоро вилояти Ёнжувон туманида 28 минг иш ўрни яратилди. Натигада қўшимча 10 мингдан зиёд аҳоли камбағалликдан чиқди. Буларнинг бари банклар, маҳаллалар, ҳокимлик ва тадбиркорларнинг интеграцияси билан юзага келган ижобий ўзгаришлардир.

Умуман олганда, Ўзбекистонда йил бошидан буён ана шу тажрибалар доирасида 3 миллион 300 минг аҳоли доимий даромадга эга бўлди. Расман банд бўлганлар сони илк бор 10,5 миллион нафарга етди. Бундай натижалар иқтисодий ислохотларнинг ижобий самарасини кўрсатиб, аҳоли фаровонлигига бевосита таъсир қилмоқда.

Яна бир эътиборли факт: Хўжайли, Асака, Вобкент, Булунгур, Янгйер, Қўштепа, Шовот каби 57 та туманда ишсизлик 5 фоиздан пасайди. Бу рақамлар банкларнинг фақат савдо-сотик, кредитлаш билан шуғулланганидан муассаса эмас, балки худудларда иқтисодий фаолликни тарғиб этиш, касб-хунар ўргатиш, стартап лойиҳаларини қўллаш, микромолия механизми орқали энг кичик лойиҳаларни ҳам молиялаштиришдек мультифункционал ролга эга эканини кўрсатади.

Эришилаётган ютуқлар банклар бу ижобий тажрибаларни кенгайтириши ва аҳолига янада яқин бўлиши зарурлигини кўрсатади. Давлатимиз раҳбари "2025 йил бандликни таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлади", дея қайд этишидан мақсад энди банклар, маҳалла, ҳокимликлар ва тадбиркорлар ҳамкорлигидаги бу моделни бутун республика миқёсида жорий этишдир.

Оилавий тадбиркорлик дастури: янги босқичга ўтиш ва кредитлар самардорлиги

Кейинги 6 йил давомида оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 750 минг аҳоли кредитини вақтида қайтариб, даромадли бизнес эгасига айланди. Шулардан 58 минг нафари янги корхоналар очинган муваффақ бўлди. Бу дастур оилаларга тадбиркорликни бошлаш, кичик лойиҳа билан бозор иқтисодиёти муҳитида ўз ўрнини топиш, барқарор даромад манбаи яратиш имкониятини берди.

Энди банклар ушбу дастур орқали "сингалан мижозлар"ни қўллаб-қувватлаб, кичик ва ўрта бизнес даражасига олиб чиқиши керак. Бу ерда банк фақат кредит берувчи эмас, балки ҳамкор, маслаҳатчи, бизнес тренер сифатида майдонга чиқиши кутилмоқда. Мижоз билан доимий алоқада бўлиб, уни йирик бозорга йўналтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, экспорт имкониятларини излаш, инновацион ечимларни тақдир этиш банклар олдида турган устувор вазифалардан бўлади.

Бунинг учун "Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш" дастури доирасида шартсиз 300 миллион сўм кредит бериш механизми жорий қилинади. Ушбу чоралар натижасида келгуси йилларда 1,5 миллион аҳоли ишли бўлиши режалаштирилмоқда. Демак, банклар молиявий ресурсларни рағбатлантириш орқали иқтисодий ривожланиш драйверига айланади.

Илгари банклар оилавий тадбиркорлик дастурлари бўйича маблағни фақат давлатдан олган. Аммо энди Халқ банки ташаббус билан чиқиб, Осёе тараққиёт банки билан "молиявий оммабонлик" дастури доирасида 50 миллион сўмгача ортқича ҳужжат ва гаровсиз кредит бермоқда. Бу нимани аниқлатади?

Аввало, бу банкларнинг ташқи молия манбаларини излаш, хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш, сарможа жалб этиш ва рискларни бошқариш қобилияти ривожланиётганини кўрсатади. Иккинчидан, ортқича ҳужжат талаб этмасдан кредит бериш банк ва мижоз ўртасидаги ишонч муносабатларини мустаҳкамлайди. Маҳалла, банк, тадбиркор ва аҳоли ўртасидаги ишонч илдизлари чуқурлашиши билан қарзларнинг қайтарилиш даражаси ҳам ортади, барқарор бизнес экотизмини шаклландиради.

Келгуси йил 9 та давлат банки 1 миллиард доллар кредит бериб, 250 минг одамни даромадли қилиш имкониятига эгаллиги айтилди. Бу нафақат маблағ ажратиш, балки инсон капиталига, бизнес лаёқатига сарможа киритиш, механизм ва жараёнларни соддалаштириш орқали иқтисодий циклни фаоллаштиришга йўналтирилади.

Фаол тадбиркорлар иштирокида барқарор ривожланиш модели

Фаол тадбиркорлар иштирокида 27 та туманда очилган кооперациялар самарали натижа бераётганининг гувоҳи бўлялмиш. Келаси йилда яна 30 та туманда балқичлик, кўнчилик, чорвачилик ва асаларчилик бўйича шундай кооперациялар ташкил этилади. Бунга 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Кооперациялар хўжалик юрисидаги тараққиёт этган шакли бўлиб, кичик ишлаб чиқарувчиларни бирлаштириш, уларнинг ресурслари, технологиялари, билим ва тажрибаларини қўшиб, larger scale (йирик ҳажмдаги) ишлаб чиқариш кластерлари яратишга хизмат қилади. Банклар бу ерда ҳам асосий таянч тузилма сифатида майдонга чиқади — кооперация аъзоларига молиявий кўмак, зарур инфратузилмага инвестиция, зарур ҳолларда кредит, лизинг ва факторинг хизматлари тақдим этади. Натигада ҳам инвестиция, ҳам иш ўрни яратувчи, ҳам экспорт-бозор маҳсулот ишлаб чиқарувчи экотизим пайдо бўлади.

Стартаплар иқтисодиётга янгилик киритиш, малакали ёшларни иқтисодий жараёнларга жалб этиш, инвестиция жалб қилувчи ноёб субъектлардир. Давлат банклари венчур компания тузиб, маҳалла стартапларига 50 миллион доллар ажратиши, ҳар бир банкнинг хусусий шерик топиб, стартапларини бизнестга айлантирадиган акселераторлар очини назарда тутишмоқда.

Венчур капитал рискин бўлиши, юқори технология эканлиги инновацион ёшларни амалиётга жорий этиш учун молиявий пойдевор яратадиган механизмдир. Ўзбекистон шарафига бу янги ҳодиса, энди банклар фақат аниқланган тижорат функцияси эмас, балки инновацияларни бошқариш, инкубация қилиш ва ривожлантириш сари қадам ташламоқда. Натигада маҳалладан бошлаб бутун иқтисодиёт миқёсида инновацион экотизим пайдо бўлади.

150 мингта иш ўрни учун захира яратилади

Кўриб чиқилган яна бир долзарб масала — оғир туманларда ишсизликни камайтириш. Улар иқтисодий ривожланиш дара-



жаси пастлиги, инфратузилма камчилиги, малакали тадбиркорлар етишмаслиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бундай худудларга бошқа жойлардан тажрибали тадбиркорлар жалб қилиниб, лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар, қўшимча инфратузилма маблағлари ажратилиши режалаштирилмоқда. Бу чора 1 миллион 300 минг аҳолининг даромадли бўлишига замин яратади.

Бу ёндашув худудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни камайитириш, худудий дисбалансларни юмшатиш ва янада мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади. Банклар бу жараёнда тажрибали тадбиркорлар ва ҳокимликлар ўртасида кўп-роқ, молиявий қўллаб-қувватловчи механизм сифатида қатнашади.

агротехнологияларни жорий этишга ёрдам беради. Натигада бир неча баробар юқори самарадорликка эришилши, қишлоқ хўжалигида бандликни ошириш, маҳсулот турларини бойитиш ва экспорт ҳажмини кенгайтириш имкони пайдо бўлади.

Йиғилишда қайд этилганидек, 60 та илгор шаҳар-туман ишсизлик ва камбағалликдан холи бўлиш имкониятига эга. Бунинг учун келгуси йилда улар 2 миллион аҳолини банд қилиш, 417 мингта оилани камбағалликдан чиқариши зарур. Демак, айнан шу худудлар бўйича аниқ таргет (мақсад) кўрсаткичлари белгиланган.

Бу жараёнда банклар, маҳалла, ҳокимликлар, тадбиркорлар, халқаро молия институтлари ҳамкорликда аниқ худудий стратегия ва

иқтисодий муҳитга жалб қилади. Факторинг товар етказиб берувчиларнинг тўлов мuddатларини молиявий ўринбосарлик орқали қисқартириб, уларга тезроқ маблағни қайтариш билан ликвидликни яхшилайдди.

Энди давлат банклари ҳам ўзининг микромолия ва факторинг компаниясини очини, унга хорижий инвесторларни жалб қилиши мумкин. Бу инструментлар бошқа давлатларда самарадорлигини кўрсатган. Ўзбекистонда ҳам улардан кенг фойдаланиш банк хизматлари доирасини кенгайтиради, аҳоли ва тадбиркорлар учун қўлай молиявий хизматлар экотизимини шакллантиради.

Йиғилишда банклар олдидаги муаммолар тилга олинди. Масалан, банклар балансида 3 мингта ҳаракатсиз мулк бор. Улар сотилса, қўшимча ресурс ва 150 мингта иш ўрни учун захира пайдо бўлади. Шу боис, банкларга ҳаракатсиз мулкларни бозор қийматига туғридан-туғри сотишга рухсат бериш белгиланди.

Шунингдек, кредит қарзи ҳисобидан гаровини суд орқали ундириш жузда кўп вақт олаётгани айтилди. Бу борада қонунчиликни ўзгартриш, гаровга нисбатан банк ҳуқуқлари устуворлигини ҳамда ундирувчи қаратилган мулклар тезроқ сотилишини назарда тутиш зарур. Ушбу чора банкларнинг рискларини бошқариш қобилиятини ошириб, иқтисодий айланиш тезлигини кучайтиради.

Ҳокимликлар билан банкларнинг маҳаллаларда мувофиқ ишлаш тизими кўрсатиб ўтиди. Туманда лойиҳани жой ва инфратузилма билан таъминлаш ҳоким зиммасида, банклар эса тадбиркорлар лойиҳаларига кўмаклашди, муаммо бўлса, ҳал этади, ишсизларни бизнестга жалб қилади. Бу функционал тақсимот ҳар бир иштирокчи аниқ вазифа юклайди, масъулиятни оширади ва жараён самарадорлигини таъминлайди.

Худудий бизнес имконияти кенгайтириш

Йиғилишда маҳалла банкирлари фаолиятини йўлга қўйиш таклифи билдирилди. Улар маҳаллаларнинг бизнес имкониятларини ўрганади, одамларнинг ёғларини ва қобилиятини лойиҳаларга айлантиради. Аҳолига молиявий тартибдорлик, маҳсулот ва хизматларини сотишни ўргатади, лойиҳаларга ҳамроҳ бўлади.

Маҳалла банкирлари институтини бу — худудларга энг яқин молиявий тарғиботчилар демакдир. Улар аслида банк ва маҳалла ўртасидаги "симёғоч" бўлиб, маҳаллий ресурслар, ижтимоий-иқтисодий салоҳият ва аҳоли эҳтиёжларини банк хизматларига боғлайди. Натигада банклар нафақат марказда, балки ҳар бир худудда, ҳар бир маҳаллада, ҳатто ҳар бир хонадонда иқтисодий ўсиш имкониятларини яратиб беради.

Ушбу чора-тадбирлар жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб шароитларда Ўзбекистоннинг муслашувчан, тезкор ва чуқур ислохотларга тайёр эканини кўрсатади. Молиявий интизом ва шахсий масъулиятни кучайтириш, банк тизимини мустаҳкамлаш, ўз навбатида, ишсизлик ва камбағалликни кескин камайитириш, аҳоли даромадларини барқарор ошириш, ички бозорни мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун муҳим омил ҳисобланади.

Қайд этилганидек, 2025 йилда 5 миллиондан зиёд аҳоли даромадли ва 1,5 миллион одамни камбағалликдан чиқариш бўйича ҳисоб-китоблар қилиш, мақсадли иш олиб бориш зарур. Бунда ҳар бир худуд раҳбари, банк раҳбари, маҳалла фаоли, тадбиркор аниқ индикаторларга эришиши лозим бўлади.

Ҳар бир вилоят, туман ёки шаҳар ўзига хос иқтисодий, ижтимоий салоҳиятга эга. Банклар ва ҳокимликлар ушбу салоҳиятни юзага чиқариш, тадбиркорлик экотизимини ривожлантириш, инновацион ечимлар, стартаплар, венчур капитал, факторинг, микромолия каби илгор молиявий инструментларни ҳар бир худуд шароитига мослаштириш орқали ривожланишни жадаллаштиради.

Ижобий тажриба сифатида Наманган, Сирдарё, Жиззах, Бухоро вилоятлари мисолида кўрганганимиздай, айрим туманда бир неча ой ичида минглаб иш ўрни, минглаб даромад манбалари яратилиши мумкин бўлган ҳодиса эмас. Агар банк, маҳалла, ҳокимлик, тадбиркор ҳамжиҳат бўлса, реал ижобий натижаларга эришилади. Зеро, Сайхунбод, Уччи, Зарбдор ва Ёнжувон тажрибалари бунини тасдиқлайди. Ахир бу ўзгаришлар кўзимиз олдида содир бўлмоқда.

Юқорида баён қилинган барча чора-тадбирлар, кўрсаткичлар, режа ва механизмлар Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг мураккаб, аммо истиқболли йўлини кўрсатади. Банклар энди оддий тижорат муассасаси бўлишдан ташқари, иқтисодий тараққиёт, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни камайитириш, кичик бизнесни ривожлантириш, стартапларни қўллаб-қувватлаш, венчур капитал жалб қилиш, кластерлар, кооперация ва инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг асосий устуворлиқдан бирга айланмоқда.

Шу билан бирга, банклар молиявий мустаҳкам бўлиши, фақат давлат маблағига таянмасдан, четдан 6 миллиард доллар жалб қилиши, аҳоли омонатларини 11 миллиард долларга етказиши бу — яқин истиқболда қилинадиган ишлар. Бу билан банклар иқтисодиётга зарур ликвидликни таъминлайди, тадбиркорларни узулқисз молиявий маблағ билан қўллаб-қувватлайди.

Ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, гаровга олинган мулкларни тезроқ сотиш, ҳаракатсиз мулкларни иқтисодий айланишга қайтариш, энг чекка худудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий эркинлик ва рақобатни мустаҳкамлаш — ҳаммаси жамуладан бўлиб, Ўзбекистон иқтисодиётини янги босқичга кўтараяди.

Келгусида маҳалла банкирлари институти айнан шу алоқани мустаҳкамлаб, худудларнинг бой салоҳиятини юзага чиқаради. Аҳоли ўз томоқларини, ўз уйида, ўз қишлоғида ёки ўз маҳалласида тадбиркорликни бошлайди, банклар эса қўлай шарт-шароит, маблағ, маслаҳат, бозор таҳлиллари ва инновацион ечимлар билан шуғулланади. Натигада иқтисодий турли манбалардан қувват олиб, барқарор ва инклюзив ўсишга эришади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда молия-банк тизими олдида турган аниқ ва улкан вазифалар белгиланган олинди. Банклар маҳаллага кирди, аҳолини даромадли қилди, стартаплар, кластерлар, кооперациялар, микромолия, факторинг, венчур капитал, инновацион дастурлар орқали иқтисодиётда туб бурилиш ясашга интилади. Бу чора-тадбирлар орқали 2025 йилга келиб, аҳоли бандликни кескин ошириш, камбағалликни сезиларли камайитириш, худудлар ўртасидаги фарқларни юмшатиш, инвестициялар оқимини кўпайитириш, иқтисодиётнинг рақобатбардорлигини кучайтириш, охир-оқибатда халқ фаровонлигини муттасил юксалтиришга эришилади.

Шундай қилиб, банк сектори эндиликда нафақат кредит берувчи, балки ижтимоий-иқтисодий ислохотлар лоқомотивига айланди. Ушбу роль банклар зиммасига катта масъулият юклайди, аммо аниқ пайтада Ўзбекистон иқтисодиётини замонавий, диверсификациялашган, инновацион ва инклюзив йўлдан тараққиёт сари олиб чиқишига умид беради.



“Келгуси йил 9 та давлат банки 1 миллиард доллар кредит бериб, 250 минг одамни даромадли қилиш имкониятига эгаллиги айтилди. Бу нафақат маблағ ажратиш, балки инсон капиталига, бизнес лаёқатига сарможа киритиш, механизм ва жараёнларни соддалаштириш орқали иқтисодий циклни фаоллаштиришга йўналтирилади.”

Нуктаи назар

“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ —

НОЛДАН ЯРАТИЛАЁТГАН
КЕЛАЖАК ҚУВВАТИИқромжон РАҲМОНОВ,
техника фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Тахлилларга кўра, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши натижасида 2030 йилга келиб электр энергиясига талаб аср бошидагига нисбатан 50 фоиз ошади. Бу, ўз навбатида, глобал энергия истеъмоли ҳажмини 23,27 миллиард тонна шартли ёқилгига етказиши. Мутахассислар бу масаланинг ечими сифатида қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишни ҳамда экологик тоза ва юқори самардорликка эга янги технологияларни жорий этиш жараёнини жадаллаштиришни тавсия этади. Бу ёндашув нафақат энергия ресурсларига талабни қондириш, балки иқлим ўзгаришига қарши курашишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг кенг қўлланилиши глобал миқёсда энергиянинг барқарор ва экологик хавфсиз таъминотини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Париж битими доирасида 2030 йилгача зарарли газлар эмиссиясини 35 фоиз камайтиришни мақсад қилган бўлиб, электр энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш мазкур мақсадли кўрсаткичнинг бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш салоҳияти жуда катта ва энергетика соҳасини модернизация

қилиш учун катта имкониятлар яратилмоқда. Географик жойлашув ва табиий ресурслар қайта тикланувчи энергия манбалари, айниқса, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш учун жуда қулай. Ўзбекистонда йилнинг 300 кундан ортиғи қуёшли экани унинг энергиясидан самарали фойдаланиш учун жуда яхши шарт-шароит яратди.

Шамол энергиясидан фойдаланиш учун ҳам катта имкониятлар бор. Бухоро, Навоий ва Қорақалпоғистонда шамол энергиясини ишлаб чиқариш учун жуда қулай ҳудудлар мавжуд.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларининг йиллик потенциали сезиларли даражада юқори. Жумладан, қуёш энергиясининг умумий қуввати йилга 525 дан 760 миллиард киловатт-соатгача баҳоланмоқда. Шамол энергиясининг қуввати эса 1 триллион киловатт-соатгача етиши мумкин. Бу кўрсаткичлар шамол энергиясини мамлакатдаги энг йирик қайта тикланувчи энергия манбаи сифатида ажратиб кўрсатади ва энергетика салоҳиятини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини аниқлатади.

2025 йилга қадар Ўзбекистонда умумий қуввати 1,7 гигаваат бўлган шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган бўлиб, бу мамлакатнинг энергия таъминотини барқарорлаштиришга қаратилган муҳим қадамдир. Шунингдек, 2023 йилда мамлакатда қуёш энергиясининг ишлаб

чиқариш қуввати 2,7 гигаваатни ташкил этган бўлса, 2030 йилга келиб, 10 гигаваатга етказиш мақсад қилинган. Бундан ташқари, 2025 йилгача 3,4 минг мегаватт қувватга эга 18 та қуёш электр станцияси ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Бу лойиҳалар қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш орқали энергетик ва экологик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Талаб тобора орғиб бормоқда

Энергия ресурсларига талаб аҳоли сони ошиши ва иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши билан бевосита боғлиқ жараёндир. Ўзбекистонда аҳоли сони 37,5 миллионга етгани ва иқтисодиётдаги жадал ўсиш энергия истеъмолининг барча соҳаларда, жумладан, саноат, транспорт, уй-жой коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида сези-

ларли даражада кўпайишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилиши ва юқори технологиялар жорий қилиниши ҳам энергияга талабни янада оширмоқда. Бу ҳолат қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва энергия самардорлигини ошириш бўйича чоралар кўришни талаб қилади.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси истеъмолида саноатнинг улуши 40 фоизга етган бўлиб, кўрсаткич йилдан йилга орғиб борапти. Бу эса саноат тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги электр таъминоти тизимларини яратиш билан бирга, технологик жараёнларда энергия ресурсларидан фойдаланиши тақозо этмоқда.

Мутахассислар томонидан 2030 йилга бориб, мамлакатимизнинг электр энергиясига талаби 120 миллиард киловатт-соатга етиши прогнози қилинган. Шу билан бирга, ўтган йили юртимизнинг яли ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард долларлик тарихий маррани забт этган бўлса, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 200 миллиард долларга етказиш кўзланган. Бунга эришиш учун энергия таъминоти барқарорлиги, энергия манбалари диверсификацияси

2025 йилга қадар
3,4 минг мегаватт қувватга
эга 18 та қуёш ва шамол
станциясини, шунингдек,
1,8 минг мегаватт энергия
сақлаш тизимларини ишга
тушириш режалаштирилган. Ушбу
лоийҳаларнинг амалга оширилиши
натижасида “яшил” энергия ишлаб
чиқариш ҳажми 12 миллиард
киловатт-соатга
етиши кутилмоқда.

бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш жуда муҳим.

Сўнгги йилларда бу борада қатор амалий ишлар қилинди. Жумладан, “яшил” энергетика соҳасида 3,5 минг мегаваттлик ёки 10 миллиард киловатт-соатга тенг 16 та йирик қуёш ва шамол электр станцияси ишга туширилди. Бунинг натижасида жорий йилда тармоқда “яшил” энергия улуши 16 фоиздан ошди.

Мазкур йўналишдаги ишларнинг узвийлигини таъминлаш, сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида маросимда умумий қиймати 7 миллиард доллардан зиёд 24 та лойиҳани ишга тушириш ва қурилиш ишларини бошлашга старт берилди. Жумладан, Бухоро, Навоий, Наманган ва Тошкент вилоятларида қарийб 2,3 минг мегаватт қувватга эга 5 та қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда 5 та юқори қуучанлиги подстанция қуриб битказилган. Ўзбекистонда илк бор Андижон ва Фарғонада 300 мегаваттлик энергия сақлаш тизими барпо этилган. Қашқадарёда 400 мегаваттлик электр станцияси, Тошкент шаҳрида замонавий когенерация қурилмаси, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 4 та кичик ГЭС шай ҳолатга келтирилган. Шунингдек, Фарғона, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 2,5 минг мегаваттлик 6 та электр иншооти қурилиш арасида. Янги лойиҳалар орқали келгуси йилларда қўшимча 9,5 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши, 2,5 миллиард куб метр табиий газ тежаланиши ва 4,6 миллион тонна зарарли газлар чиқилишининг олди олиниши кутилмоқда.

Масоимда таъкидланганидек, 2025 йилга қадар 3,4 минг мегаватт қувватга эга 18 та қуёш ва шамол станциясини, шунингдек, 1,8 минг мегаваттлик энергия сақлаш тизимларини ишга тушириш режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажми 12 миллиард киловатт-соатга етиши кутилмоқда. 2030 йилга қадар Ўзбекистонда 19 минг мегаватт қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини барпо этиш ва уларнинг улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган. Бундай инновацион лойиҳалар Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтишини тезлаштиради.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш энергия ресурсларига тобеликни камайтириш, табиий газ ва бошқа анъанавий ёқилгилар истеъмолини, шунингдек, зарарли газлар эмиссиясини сезиларли даражада қисқартиради. Ўзбекистоннинг жаҳон энергетика бозорига рақобатдошлигини оширади, барқарор ривожланиш йўлидаги асосий стратегик мақсадларимизга эришишга замин яратди. Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлайди.

Бу лойиҳалар Ўзбекистонга
нима беради?

Биринчидан, янги лойиҳалар энергия таъминоти мустақиллигини таъминлашда қўл келади. Электр энергияси ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш ва энергия манбаларини самарали бошқариш имконини яратди. Бу Ўзбекистоннинг ташқи энергия манбаларига боғлиқлигини камайтиришга, ички манбалардан фойдаланишни оширишга ёрдам беради. Мавжуд энергетика инфратузилмасига янги қувватларни қўшиш орқали мамлакат энергия таъминотини барқарорлаштириб, узлуксизлигини таъминлайди.

Иккинчидан, янги лойиҳалар электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва сақлаш жараёнларини янада самарали ташкил этиш имконини яратди. Бу, айниқса, саноат ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун муҳимдир. Қуёш, шамол ва гидроэлектр станцияларидан фойдаланиш орқали таъминот барқарорлашиб, ишлаб чиқариш жараёни самардорлиги ошади. Замонавий когенерация қурилмалари, ўз навбатида, энергиянинг мақсадли ишлатилишини таъминлаб, иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, қайта тикланувчи энергия манбалари ва замонавий технологиялар ишга туширилиши атроф-муҳитга таъсирни камайтиришга ёрдам беради. Бу, айниқса, углерод чиқиндиларини камайтириш ва иқлим ўзгаришларига қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга. 2,5 миллиард куб метр табиий газ тежаланиши ва 4,6 миллион тонна зарарли газлар чиқилишининг олди олиниши Ўзбекистоннинг экологик мақсадларига эришишда муҳим қадам ҳисобланади. Бу мамлакатимизнинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ифодалаб, глобал иқлим ўзгаришларига қарши курашишда ўз хиссасини қўшади.

Тўртинчидан, қуёш ва шамол станциялари, кичик гидроэлектр станциялар ва энергия сақлаш тизимлари иш ўринлари кўпайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, янги технологияларни жорий этиш ва инвестициялар киритишга йўл очди. Умумий иқтисодий ўсишни таъминлаб, энергетика соҳасидаги мутахассислар ва муҳандислар учун янги имкониятлар яратди.

Бешинчидан, энергия таъминоти узлуксизлигини таъминлаш даражаси ошиб, талаб ўсиши билан боғлиқ муаммолар ечимига ёрдам беради.

Олтинчидан, энергия манбаларини диверсификация қилиш ва ички ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали мамлакатимизнинг энергетика салоҳияти юксалади. Бу, ўз навбатида, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Масоимда таъкидланганидек, 2025 йилга қадар 3,4 минг мегаватт қувватга эга 18 та қуёш ва шамол станциясини, шунингдек, 1,8 минг мегаваттлик энергия сақлаш тизимларини ишга тушириш режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажми 12 миллиард киловатт-соатга етиши кутилмоқда.

2030 йилга қадар Ўзбекистонда 19 минг мегаватт қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини барпо этиш ва уларнинг улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган. Бундай инновацион лойиҳалар Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтишини тезлаштиради.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш энергия ресурсларига тобеликни камайтириш, табиий газ ва бошқа анъанавий ёқилгилар истеъмолини, шунингдек, зарарли газлар эмиссиясини сезиларли даражада қисқартиради. Ўзбекистоннинг жаҳон энергетика бозорига рақобатдошлигини оширади, барқарор ривожланиш йўлидаги асосий стратегик мақсадларимизга эришишга замин яратди. Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлайди.

ҚУЁШ, ШАМОЛ ВА СУВ
Экологик тоза энергия манбаларидан
оқилона фойдаланайликШухрат НОРМУРОДОВ,
журналист

Бошланиши 1-бетда

Кармана ва Нуробод туманларида ишга туширилган ҳар бирининг қуввати 100 мегаваттлик қуёш фотозлектр станциялари энергетика тизимида нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида биринчи улкан қадам бўлди.

Самарқанд вилоятида энергия ресурсларига тушаётган босимни енгиллатиш, қулай чоралар кўриш учун кўпгина муассасалар муқобил энергия ресурсларига ўтмоқда. Жумладан, 2024 йилнинг шу даврига қадар вилоятдаги 1013 та ижтимоий объект ва давлат идораси “яшил” энергияга ўтказилди. Қурилиш соҳасида қондалар ўзгармоқда ва соҳага энергия ресурсларини тежовчи технологиялар жадал қилиб келмоқда. Бундай биноларни қуришда қиш даврида иссиқлик энергиясидан камроқ фойдаланиб, уйда иссиқликни кўпроқ сақлаш имконини берадиган, ёзда эса салқилликни таъминлайдиган энергия тежамкор қурилиш материаллари ва технологиялардан фойдаланилмоқда.

Бу саъй-ҳаракатларга ҳамроҳанг юртимизда электр билан ҳаракатланувчи транспортлар тобора омалашмоқда. Уларнинг юриш харажати оддий автомобилликка нисбатан 10 баробар, табиатга зарари эса

3 баробар кам. Шу боис, ҳозир Самарқанд шаҳрида 36 та электробус йўналишларга чиқарилган.

Одам бир дақиқада 5-6 литр ҳаво олиб, чиқаради. Бу жараён орқали биз кислородни қабул қиламиз ва карбонат ангидридни чиқарамиз. Бир кишининг кислородга бир кулик эҳтиёжини қоплаш учун 22 та дарахт керак. Саноат инқилоби туфайли инсоният табиатга муттасил дахл қилиши ва дарахтлар қилиши натижасида биз қисқа ёки узок муздатили хавф-хатарга дучор бўлишимиз, ҳеч иш қилмасак, сайёрамиз “ўпка”сиз қолиб кетиши мумкин экан.

Шундай ҳолатларда жонимизга ора қирадигани — дарахтлар. Уларнинг ҳар бири йилга деярли 22 килограмм карбонат ангидрид ютади ва йил давомида 120 килограмм кислород ажратади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умумиллий лойиҳаси чинакам халқ ҳаракатига айланди. Экологик вазиятни яхшилашда ноёб ечим сифатида халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлаётган ушбу ташаббус натижасида охириги 3 йилда мамлакатимиз бўйича жами 646 миллион туп кўчат ва бутта экилган. Оролбўйидаги яшил қоплама майдони эса 2 миллион гектардан ошган.

Президентимизнинг 2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиши янги Ўзбекистонда она табиатни асраб-авайлаш, экологик

барқарорликни таъминлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди, — дейди тажрибали ўрмончи Орзиқул Мажидов. — “Яшил макон” умумиллий лойиҳаси эса халқимизнинг азалий қадриятларидан бири — бўш ерга кўчат экиш, бог-роғ барпо этиш анъанасини тиклади. Ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бутта кўчати экилиб, катта-катта боглар барпо этилмоқда. Салкам 40 йиллик ўрмончи сифатида ушбу саъй-ҳаракатлардан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Юртимиз тупроғи шундай мўъжизакор: ерга бир чўп суқилса, барг ёзиб, новда чиқаради. Бундан завқланган ҳар бир кишининг бог яратгани келади. Бу борада Самарқанд вилоятида жорий йилда 11 миллион 609 минг туп дарахт ва бутта кўчати экилди.

Жумладан, 7,2 гектарда “яшил боглар” ҳамда 3,2 гектарда “яшил белбоғлар”, шунингдек, 10,5 гектар ерда “хоқимлик боглари” барпо этилди.

Дарахт экилганидан кейин ўз-ўзидан кўкариб қолмайди. Кўчатларни парвариш қилиш ва сугориш мақсадида 60 километрлик сугориш тармоғи тортилиб, 36 та ер ости сув қудуғи ишга туширилди. Бундан ташқари, сув етиб бориши қийин бўлган манзилларга сугориш учун мўъжалланган 40 та махсус техника жалб этилди.

Экологлар яқин 50 йилда сайёрамизда миллионлаб йиллар давомида шаклланган биологик хилма-хиллик қарийб 50 фоиз камайиши ва бу аянчли оқибатларга олиб келиши ҳақида бежиз оғоҳлантirmаяпти. Бунга сайёрамизда инсон томонидан ҳосил



“ Дарахт экилганидан кейин ўз-ўзидан кўкариб қолмайди. Кўчатларни парвариш қилиш ва сугориш мақсадида 60 километрлик сугориш тармоғи тортилиб, 36 та ер ости сув қудуғи ишга туширилди. Бундан ташқари, сув етиб бориши қийин бўлган манзилларга сугориш учун мўъжалланган 40 та махсус техника жалб этилди. ”

қилинган чиқинди миқдори табиий пайдо бўладиган миқдорга нисбатан 2 минг 40 баробар кўплиги, ҳайдаладиган ернинг 40 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун ярқисиз ҳолга келтирилганидан ҳам англаш мумкин. Бу эса бизни экологик муаммолар борасида янада ҳушёр бўлишга ундайди. Демак, “яшил” тараққиёт учун курашар эканмиз, чиқинди муаммоси билан ҳам юзланамиз.

Конституциямизда фуқароларнинг табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишига мажбурлиги белгилаб қўйилган. Бирок айримлар ушбу бурчини унутиб қўймоқда. Самарқанд вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси тақдим қилган маълумотга кўра, назорат тадбирларида чиқиндилар билан боғлиқ талабларга риоя этмаслик бўйича 1783 шахсга нисбатан 1 миллиард 47 миллион 645 минг сўм маъмурий жарима қўлланган. Ушбу йўналишда биргина автомобилда чиқиндиларни белгиланмаган жойга ташлаш бўйича Самарқанд шаҳри ва туманида ўрнатилган кузатув каме-

рларга орқали жорий йилнинг ўтган даврида 248 ҳолат қайд этилган.

— Чиқинди муаммосини фақат жарима билан бартараф қилиш мушкул, — дейди эколог Нарзулла Қувондиқов. — Қайта ишланган йўлга қўйиш ва бошқа ташаббуслар билан унинг унинг рағбатлантириб бориш зарур. Қолаверса, чиқинди полигонларини қайта қуриш, тармоқ корхоналарини махсус техника ва ускуналар билан жиҳозлаш зарур.

Ўзгал табиатни асраш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва келажак авлодга бусбутун етказишга ҳар биримиз масъулмиз. “Яшил” иқтисодиёт фақат энергетика соҳасини ислоҳ қилишдан иборат эмас. Унинг таркибида яшил ҳудудларни кенгайтириш, чўлланниши қисқартириш, ичимлик сув таъминоти, чиқиндиларни оқилона бошқариш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби қатор масалалар бор. Буларнинг барчаси ёнма-ён ечимини топиши керак. Бугун оддий туюлаётган ҳаракатлар, лойиҳалар келгусида катта ўзгаришларда намоён бўлади.

МАЪРИФАТЛИ АВЛОД – УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ

УЙФОТУВЧИ ЯНГИ КУЧ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қўлданли ишлар қилинмоқда. Таълим соҳасига Президентимизнинг "Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққола ягона тўғри йўлидир", дея юксак баҳо бериши мазкур йўналишдаги ислохотларнинг аҳамияти ва долзарблигини кўрсатади.



Абдугаффор ҚИРҒИЗБОЕВ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори

Бугунги кунда юртимизда трансформациялашув шароитида олий таълим сифатини бошқариш ва таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди. Энди олий таълим муассасалари олдига халқаро стандартлар, норма ва шакллар асосида таълим сифатини таъминлаш, олийгоҳлар фаолиятини "Университет 4.0" концепцияси асосида трансформация қилиш, уларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини юксалтириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини халқаро аккредитациядан ўтказиш каби долзарб вазифалар турибди.

Университетни халқаро талабларга мувофиқ трансформация қилиш белгиланган

Президентимизнинг 2022 йил 21 июндаги "Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам айтилган мақсадларда қабул қилинган бўлиб, унда 2022-2026 йилларда университетни халқаро талабларга мувофиқ трансформация қилиш белгиланган, комплекс ривожлантириш дастури ва мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланган. 2023 йил 1 январдан бошлаб университетта академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик берилди. Таълим сифатини ошириш, олийгоҳ фаолиятини илгор таълим дастурларини жорий қилиш ҳамда замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўнимчаларига эга юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш, университетни халқаро талабларга мувофиқ трансформация қилиш мақсадида мутахассислик кафедраларига дарс машғулотлари ўтказиш учун хорижий мутахассисларни жалб қилиш белгиланган. Шунингдек, халқаро

эътироф этилган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингидеги илк 1000 талikka кирган хорижий ОТМлар билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, университетнинг Times Higher Education ёки Quacquarelli Symonds халқаро рейтинг агентликларининг соҳавий, минтақавий ёхуд тематик рейтингларига киришини таъминлаш, ваколатли халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини босқичма-босқич аккредитациядан ўтказиш, бошқарув тизимини ISO:21001 (Educational organizations — Management systems for educational organizations) талаблари асосида ташкил этиш вазифалари қўйилган эди.

Университет жамоаси ушбу вазифалар масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда қатор ютуқларга эришиб келмоқда. Жумладан, педагогика соҳаси учун етакчи олий таълим муассасаси сифатида жорий ўқув йилида олий таълимнинг янгилашган классификатори педагогика соҳаси бўйича 13 та бакалаврият йўналиши, 17 та магистратура мутахассислиги бўйича ўқув-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бунда 186 та фан бўйича ўқув дастурлари халқаро рейтингларнинг ТОП 300 талик рўйхатига кирган ОТМлар, шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб, ўрта махсус таълим ташкилотлари дастурлари асосида такомиллаштирилди. Ўқув режаларида талабаларнинг методик тайёргарлиги бўйича ажратилган фанлар улуши камида 50 фоизга етказилди.

Дунёнинг етакчи хорижий олийгоҳларидан 66 нафар хорижий профессор-ўқитувчи дарс машғулотларини ўтиш учун жалб қилинди. Шунингдек, Президент мактабларида фаолият юритаётган хорижий мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик қилиниб, уларнинг тажрибасидан таълим жараёнида кенг фойдаланиб келинмоқда. Тошкент шаҳридаги Президент мактабига фаолият юритаётган хорижий мутахассислар Michelle Gaddy ва Abdul Hameed университетнинг кимё ва уни ўқитиш методика кафедрасига, Little Rozlyn эса инглиз тили назарияси ва уни ўқитиш методика кафедрасига ўриндошлик асосида ишга қабул қилиниб, дарс ўтиш билан бирга таълим дастурларини Президент мактаблари дастурлари асосида такомиллаштиришда кўмаклашиб келмоқда.

Халқаро рейтингларга кириш ва мустақкам ўрин эгаллаш йўлида

Изчил савий-ҳаракатлар натижасида кейинги йилларда университетни халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингларига киритиш борасида ҳам қатор муваффақиятларга эришилмоқда. Университет Times Higher Education (THE) халқаро рейтингларининг университетларнинг жаҳон тараққиётига таъсири (Impact ranking-2024) бўйича жаҳон рейтингидеги 1001+ ўрин; Times Higher Education (THE) халқаро рейтингларининг жаҳон университетлари рейтингидеги (World University Rankings-2024) репортёр маком; Сифатли таълим (Quality Education) жаҳон рейтингидеги 801-1000-ўрин; Гендер тенглик (Gender Equality) жаҳон рейтингидеги 601-800-ўрин; Мусоиб иш ўринлари ва иқтисодий ўсish (Decent Work and Economic Growth) жаҳон рейтингидеги 601-800-ўрин; Барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорлик (Partnership for the goals) жаҳон рейтингидеги эса 1001+ ўринни эгаллади.

Шунингдек, олий таълим соҳасидаги глобал таҳлил агентлигининг 2024 йил 6 ноябрдаги Осиенинг энг яхши университетлари рейтингини қўшимча таълим йўналиши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам айтилган мақсадларда қабул қилинган бўлиб, унда 2022-2026 йилларда университетни халқаро талабларга мувофиқ трансформация қилиш белгиланган, комплекс ривожлантириш дастури ва мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланган. 2023 йил 1 январдан бошлаб университетта академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик берилди. Таълим сифатини ошириш, олийгоҳ фаолиятини илгор таълим дастурларини жорий қилиш ҳамда замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўнимчаларига эга юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш, университетни халқаро талабларга мувофиқ трансформация қилиш мақсадида мутахассислик кафедраларига дарс машғулотлари ўтказиш учун хорижий мутахассисларни жалб қилиш белгиланган. Шунингдек, халқаро

Таълим тараққиёти



Бундай ёшлар халқаро эътироф этилган олийгоҳларда тарбияланади

бор рейтингга киритилган. Мазкур рейтинг натижаларига кўра, Ўзбекистон Осиенинг ўз мавқени энг ишончли тарзда яхшилаган давлатлардан бирига айланган. Унга юртимиздан 2023 йилда 7 та, 2024 йилда 14 та олий таълим муассасаси кирган. Университет кетма-кет 3 йил мазкур рейтингда қайт қилиниб, мавқени тобора ошириб бормоқда.

Университет трансформациясининг таянч нуқтаси

Университет трансформациясида катта ўрин тутадиган муҳим жиҳатлардан яна бири таълим дастурларининг халқаро аккредитациядан ўтказилишидир. Пировард мақсадимиз, биз тайёрлаган кадрлар замонавий ўқитувчиларга қўйилган талабларга жавоб бериши, халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлиши, ички ва ташқи меҳнат бозорларида рақобатбардос, дунёқароши кенг, креатив ва тизимли фойдаланиш, мустақил қарор қабул қила олиш кўнимчаларини пухта эгаллаган бўлиши зарур. Бунинг учун университетда мавжуд бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари таълим дастурларини етакчи хорижий олийгоҳлар каби халқаро талаблар асосида ташкил этиш, босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш вазифаси белги-ланган.

Таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказишга тайёргарлик 2022 йилдаёқ бошлаб юборилган бўлиб, университет жа-моасига жуда катта масъулият юқлади. Ўтган

давр мобайнида таълим йўналишлари ва мутахассисликлари малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари ҳам тузилди, ҳам мазмун жиҳатидан қайта кўриб чиқилиб, олий педагогик таълимдаги ислохотлар, етакчи халқаро олийгоҳлар тажрибалари, кадр буюртмачилари талаблари асосида такомиллаштирилиб келинмоқда. Университетда сифатли таълим муҳити яратиш ва уни назорат қилишда шаффоф усуллари жорий этиш, инглиз тилидаги таълим улушини ошириш, талабаларнинг мустақил таълим олишини рағбатлантириш борасида тизимли ишлар қилинди.

Халқаро аккредитация агентлиги сертифицирани олий университет таълим сифати даражасининг халқаро миқёсда эътироф этилишидир. Университет таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш босқичма-босқич амалга оширилиши белгиланган, нуфузли халқаро аккредитация агентликлари билан музокара олиб борилди.

Германиянинг таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича агентлиги — ASIIN билан ҳамкорлик қилишга келишилди. Дастлаб университетнинг кимё ва биология бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда яна ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё ва биология) магистратура мутахассисликлари халқаро аккредитациядан ўтказилиши режалаштирилди.

ASIIN ташкилоти 1999 йилдан бери муҳандислик, табиий фанлар, математика, шунингдек, тиббиёт ва иқтисодий дастурларини аккредитация қилиш бўйича етарли тажриба орттириб, бугунги кунда энг етакчи аккредитация агентликларидан бирига айланган.

Дунёнинг кўпала этакчи университетлари ва бизнес ҳамжамиятлари олий таълим ва касбий амалиётнинг халқаро миқёсда тан олинган сифат стандартларини ишлаб чиқиш учун ASIIN билан ҳамкорлик қилади. Ташкилот

200 нафардан ортиқ фан ва касбий амалиёт мутахассисининг профессионал тажрибасига таяниб, халқаро миқёсда академик ва профессионал ҳаракатчанликни, юқори таълим стандартларини таъминлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

ASIIN дунёнинг 23 та мамлакат қатори Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ҳамкор агентликлар билан алоқада таълим дастурларини ўқитиш миқёсдаги сифат кўрсаткичлари асосида такомиллаштириб, аккредитация жараёнларини амалга оширмоқда.

Университетнинг кимё ва биология йўналишлари бўйича таълим дастурлари ташкилот томонидан Rainer Arnold раҳбарлигида халқаро экспертлар Karmen Genning, Vlada Uflacher, Tomas Steinbrecher ҳамда маҳаллий экспертлар иштирокида 2024 йилнинг 12-16 август кунлари ташқи баҳолашдан ўтказилди. Ташкилотнинг 2024 йил 6 декабрь куни бўлиб ўтган навбатдаги йилги йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 4 та таълим дастури — кимё ва биология бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё ва биология) магистратура мутахассисликлари халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши эътироф этилди, халқаро аккредитация сертификати тақдим этиш қарори қабул қилинди.

Тақдим қилинган ҳисоботда университетда таълим жараёни илмий фаолият билан уйғунлашгани, таълим олувчилар илмий тадқиқот ишларини ташкил этишда моддий-техник база ва лаборатория имкониятлари билан етарлича қамраб олингани, талабаларнинг таълим олиши учун қўлай шароит яратилгани, уларга замонавий ўқув лабораторияларида амалий кўнимчаларини ўзлаштириш имконияти яратилгани, соҳанинг етак мутахассислари ўқув жараёнига жалб этилгани, талабалар фан ресурслари ва ахборот-ресурс имкониятлари билан тўлақонли таъминлангани алоҳида қайд қилинган. Қолган барча таълим йўналишларини ҳам босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича тизимли ишлар режаси белгиланган.

Халқаро стандартларга асосланган бошқарув тизими

Университет трансформацияси бўйича халқаро тан олинган стандартлар асосида стратегик ривожлантириш йўналишларини белгилаш, халқаро мезонлар асосида таълим сифатини таъминлашга эришиш, ўқув жараёнини ташкил этиш, бошқарув ва педагог кадрларнинг касбий кўнимчаларини

ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам ўз натижаларини бермоқда. Бошқарув тизимини ISO:21001 (Educational organizations — Management systems for educational organizations) талаблари асосида ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳридаги "Smart management international training company" МҶЖИ жалб қилган ҳолда фаолият соҳаларини халқаро стандартлар асосида ички аудитдан ўтказишни амалга ошириш учун 56 раҳбар ходим, етакчи профессор-ўқитувчи ва техник ходимлар учун ISO 21001:2018 халқаро стандарти тўғрисидаги ўқув курслари ташкил этилди. Улар ўқув курси якунида тегишли сертифицикатларга эга бўлди.

Олий таълим соҳасидаги глобал таҳлил агентлигининг 2024 йил 6 ноябрдаги Осиенинг энг яхши университетлари рейтингини ўн олтинчи йиллик наشري — QS Asia University Rankings-2025 эълонида ТОП 1000 таликдаги ўрнини мустақкамлаб, 678-ўринда жойлашди.

ISO 21001:2018 халқаро стандарти таълим махсулотлари ва хизматларини тақдим этишчилар, таълим хизматларидан фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор томонлар (меҳнат бозори, ҳукумат, жамият ва бошқалар) эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган таълим муассасалари учун умумий бошқарув воситасини тақдим этади. Мазкур стандарт таълим муассасаси, таълим олувчилар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги аниқ ўзаро муносабатларга қаратилган. Яъни таълим муассасаларига ўз миссияси ва қарашлари билан самарали мослашишга ёрдам бериб, натижада таълим олувчилар ва (жараён ҳамда вақтни яхшилаш орқали) ўқитувчилар, ота-оналар, шунингдек, бошқа манфаатдор томонларга фойда келтирадиган шахсийлаштирилган таълим тажрибасига эришишни кўзда тутди.

Ўзбекистонда шу кунга қадар фақатгина 4 та олийгоҳ — Тошкент давлат стоматология институти, Самарқанд давлат тиббиёт университети, Тошкент кимё халқаро университети ҳамда Тошкент шаҳридаги INHA университети ISO 9001:2015 халқаро стандарти сертификати эгаллик қилган.

Университетда бошқарув тизимини ISO:21001 талаблари асосида ташкил этиш мақсадида Словакиянинг "CERT INTERNATIONAL" халқаро сертификатлаштириш ташкилоти билан ҳамкорлик қилиниб, университет фаолияти ташқи аудитдан ўтказилди ва ташкилот томонидан университетта ISO 21001:2018, ISO 9001:2015 халқаро стандарт сертификатлари тақдим этилди. Ушбу ҳужжат университетда бошқарув фаолиятини халқаро стандартлар билан мувофиқлаштиришга, таълим сифатини ошириш ва хорижий истеъмолчиларни жалб этишга катта хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, университетни "Университет 4.0" концепцияси асосида трансформация қилиш, халқаро рейтинглардаги ўз ўрнини юксалтириш, халқаро стандартлар, норма ва шакллар асосида таълим сифатини таъминлаш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш ва жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган рақобатбардос мутахассислар тайёрлаш борасидаги савий-ҳаракатларимиз республикамизда олий педагогик таълимни янги босқичга олиб чиқишга ижобий таъсирини намойён этмоқда.

Зеро, таълим тизимини халқаро талаблар асосида ислоҳ қилиш, шу асосда замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фаилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, барча таълим босқичларини модернизация қилиш, илгор технологияларни амалиётга жорий этиш каби устувор вазифаларни амалда қўллаш таълим тизими олдига қўйилган улкан натижаларга эришишнинг муҳим пойдеворидир.

Ангор тумани Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Сардорбек Зоировнинг чет элда таълим олиш шийтеки юқори. Шу орзу ортидан бир неча ой илгари, ҳам ишлаш истаги билан туман марказидаги мономарказда очилган немис тили курсига қатнай бошлади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ТИЛ БИЛГАНЛАР ДУНЁГА ЧИҚАДИ

Барча дарсларни аъло даражада ўзлаштирган йигит қисқа муддатда немис тилини билиш даражасини аниқловчи тестда иштирок этди ва В1 даража олди. Белгиланган суҳбатлардан ижобий натижа билан ўтган Сардорбек Зоиров Германияга жўнаб кетиш арафасида. У қишлоқ хўжалиги бўйича муайян тажрибага эга бўлгани боис, шу соҳани танлади.

— Менимча, хорижда тахсил олиш учун йўлга отланган одам билимларини яхши ўзлаштириб, ишда етарли кўнимча орттириб, мамлакатимизга қайтиш ва ўрганганларини амалиётда қўллаш ҳақида ўйлайди, — дейди Сардорбек. — Ким билан гаплашмай, яратилган шароитлардан фойдаланиб, келгусида мамлакатимиз ривожига ҳиссасини қўшишни истаганини айтади. Билишимча, Германия қишлоқ хўжалигини механизациялашга алоҳида эътибор қаратади. Аҳолининг атиги 2-3 фоизи шу соҳада ишлаяпти. Соҳани ривожлантириш ва етарли озука базаси яратиш учун мамлакатда шу йўналишда иш ўрни кўп, мутахассисга талаб юқори. Европа қишлоқ хўжалигини ўргангач, юртимизга қайтиб, ўзимизда қўлламоқчиман.

Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолиятини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосан, Ангор туманида "Ишга марҳамат" мономаркази ташкил этилган. Унда ҳозир машғулотлар икки сменада ўтиляпти. 24 йўналиш бўйича 672 тинловчи ўқимокда.

— Мономарказимизда 24 та касб-хунар ва 5 та хорижий тил, хусусан, инглиз, корей, япон ва немис тиллари ўргатиб келинмоқда. Немис тили курсида 400 га яқин тинловчи тахсил оляпти. Улар Германияга ўқиш ва ишлаш ниятида, — дейди Ангор тумани "Ишга марҳамат" мономаркази директори ўринбосари Фарҳод Бердиев. — Ҳозир юртимизда немис тилини ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги ишларни кенгайтириш, ишсиз ёшларга хорижий тилларни ўргатиш, тил биладиган, касб-хунари йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш орқали юқори маошли иш билан таъминлаш ва касбий таълим олишга қаратилган "Германияда касбий таълим" лойиҳаси ҳам ишга туширилган. Бу шароитлар юртдошларимизнинг хорижда ишлаб, яхши даромад топишга хизмат қилмоқда.

Бугун Сурхондарё вилоятидаги ўнлаб мономарказ ва касб-хунар марказлари ёшларга хорижий тиллар ва касб-хунар сирларини ўргатиб, малакали, чет тилларни биладиган ходим сифатида тайёрламоқда.

Таълим муассасаларида хорижий тиллар ўргатиладиган тўғарақлар очилган. Уларда ўқувчилар ўзи танлаган хорижий тилни ўрганяпти. Айниқда, касб-хунар, хорижий тиллар ўргатиладиган ўқув марказларида чора-тадбирлар қўламан янада кенгаймоқда. Вилоятда бугун 60 дан ортиқ ўқув маркази фаолият юритмоқда. Уларнинг Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси билан ҳамкорлиги тил ва касб ўрганишга қизқувчи ёшлар учун кенг имконият эшигини очмоқда, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бош мутахассиси Бобур

Мирсаидов. — Чет тилларни қунт билан ўрганган ёшлар юртимиздаги корхоналарда ҳам, хорижда ҳам ишлаб, яхши даромад топмоқда.

Сариосиё тумани вилоят марказидан узоқ ҳудуд бўлса-да, аҳолининг касб-хунар, чет тилларни ўрганиши учун имконият етарли. Ҳозир Сариосиё касб-хунарга ўқитиш марказида 7 та касб-хунар ва 2 та тил курси очилган. "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"даги имконияти чекланганлар учун бепул машғулотлар ўтиляпти.

— Бугун чет тилларни ўрганиш нафақат иш топиш, балки олий таълим муассасаларига кириш учун ҳам муҳим. Замон талабига мос чет тили ўқитиш марказлари ёшлар учун билим олиш жараёнини янада қўлай ва самарали ташкил қилмоқда. Бу марказларда ёшлар ўқув дастурларидан ташқари, мустақил равишда билимларини мустақамлаш имкониятига ҳам эга, — дейди Сариосиё туманидаги ўқув маркази раҳбари Жаҳонгир Норматов.

Сурхондарё вилоятидаги касб-хунар техникумлари ҳузурида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида хорижий давлатга кетаётган шакллар ҳамда банд бўлмаган аҳоли учун касб-хунар ва тил ўқитиш марказлари ташкил этилган. Жумладан, Термиз шаҳридаги архитектура ва қурилиш техникумидаги марказда қурилиш соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш билан бирга тинловчиларга рус, инглиз, немис ва корейс тиллари ўргатиб келинмоқда.

Ота-оналар ҳам ёшларга яратилган имкониятлардан миннатдор. Фарзандлари тил ўрганиши учун шоярт ҳозирлаётди. Зеро, тил билган ёшлар дунёга юз тутади.

Сарвар Тўраев, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Тошкент телеминорасининг очилиш маросими катта тантана билан ўтказилган. Меҳмонлар миноранинг антикалиги, бажарилган ишлар сифати, фойенинг мозаик панно билан бадиий безатилгани, осма шифтлар, лифтларга махлиё бўлган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



QR-КОД ОРҚАЛИ ВИДЕОГА ЎТИНГ!



Ифтихор

Дунёнинг машҳур телеминоралари қаторида кўриладиган ушбу иншоот ўз даврида замонавий меъморликнинг энг илғор технологиялари асосида бунёд этилган. 1985 йил 15 январда фойдаланишга топширилган Тошкент телеминораси 2025 йилнинг шу санасида 40 ёшни қаршилайди.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ: 40 ЙИЛЛИК ТАРИХ ВА ПОЙТАХТНИНГ ЭНГ БАЛАНД ГАВҲАРИ

Муроджон СОБИРОВ,
“Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение
маркази” ДУК бош директори

Тошкент шаҳри сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган пойтахтлардан бирига айланиб бормоқда. Кейинги йилларда қурилаётган замонавий бинолар, дам олиш ва савдо марказлари жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги манзиллардан қолишмайди. Шу боис, шаҳримиз доим олис-яқиндан келган меҳмонлар билан гавжум. Туризм ишқибозларини нафақат замонавий масканлар, балки пойтахтдаги маданий обидалар ҳам қизиқтиради. Айниқса, сайёҳларнинг аксари Юнусобод туманидаги Тошкент телеминорасини кўрмай қайтмайди.

Дунёнинг машҳур телеминоралари қаторида кўриладиган ушбу иншоот ўз даврида замонавий меъморликнинг энг илғор технологиялари асосида бунёд этилган. 1985 йил 15 январда фойдаланишга топширилган Тошкент телеминораси 2025 йилнинг шу санасида 40 ёшни қаршилайди. Орадан шунча йил ўтганига қарамай, иншоот ҳамон пойтахтнинг шараф ва ифтихор тимсоли бўлиб, Марказий Осиёдаги энг баланд телеминора сифатида тилга олинади.

Тошкент шаҳри манзаралари ва гўзаллигини тўлиқ томоша қилиш учун бу минорадан баландроқ жойни топиш маҳол. Иншоот ичкарасига томон дунёнинг машҳур телеминоралари макетларидан иборат музей бўйлаб ўтиб

Ундан ҳам тепаоқ, 110 метр баландликда эса “Коинот” ресторанининг “мовий” ва “алвон” заллари мавжуд. Ресторанларнинг



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



борилади. 1990 йилда Тошкент телеминораси Жаҳон буюк миноралари жамаиятига аъзо бўлган. Айни пайтда миллий обидамиз дунё телеминоралари орасида баландлиги бўйича 12-ўринни эгаллаб турибди.

Галерея йўлаги бўйлаб телеминоранинг лифт фойсига ўтилади. Бу йўлак ҳам ўзига хос кўринишга эга бўлиб, юртимизнинг диққатга сазовор манзиллари суратлари билан безатилган. Лифт фойе қисмида эса турли мавзулардаги санъат асарларини томоша қилиш мумкин. Қатор жойлаштирилган композицияларнинг ҳар бири ўз номига эга. Масалан, байрам композициясида миллий мусиқа асбобларимиз, телеминора тасвирлари туширилган. Миноранинг асосий кузатув майдончаси 100 метр баландликда жойлашган.

айланадиган пол платформаси унинг ўзига хослигидир. Стол атрофига ўтирган меҳмонлар ҳам таомланиб, ҳам шаҳар манзарасини 360 даража айланган ҳолда томоша қилади. Пол ҳаракатланган нуқтасига 45 дақиқада айланиб келгунга қадар шаҳарнинг гўзал манзарасидан бир олам завқ олиш мумкин.

Тошкент телеминораси пойтахтнинг рамзий обидаларидан саналади. Уни шаҳарнинг исталган нуқтасидан кўриш мумкин. Ўзига хос гўзаллиги ва савлати ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтиради. Аммо бу минора фақатгина томоша майдони ёки сайёҳлик объекти эмас. Унинг янада муҳимроқ вазифаси бор — Тошкент телеминораси бунёд этилганидан бунён ҳозирга қадар юртдошларимизга телеви-



дение ва радиодастурларни узлуksиз ҳамда сифатли узатиб беришга хизмат қилиб келмоқда.

Аслида, Тошкент телеминорасини қуришдан мақсад юртимизда биринчилардан бўлиб асос солинган телевидение ривожлантириш эди. Минора қурилиши ва ишга туширилиши катта бир тарих сифатида ёдга олинади. 40 йиллик юбилей олдидан ана шу тарихга назар ташлар эканмиз, мамлакатимиз телевидениесининг тамал тоши айти шиб Тошкент телеминорасини кўришга бўламыз.

Теледастурларни узатувчи асосий нуқта

XX асрнинг 50-йилларида Ўзбекистон ҳукумати Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб телевидение маркази қурилишини режалаштирди. Шу мақсадда дастлаб 1956 йили баландлиги 180 метрли телеминора қад ростлади. Уша йилнинг 5 ноябрида Ўзбекистонда биринчи телемарказ — Тошкент телемаркази ишга туширилиб, телевидение дастурлари ушбу минорадан тарқатила бошланди.

Телевидение, шубҳасиз, инсоният ҳаётидаги буюк кашфиётдир. Ушбу кашфиёт XX аср одамлари турмуш тарзини ўзгартирди, маънавий-маърифий ҳаётида туб бурилиш ясади. Турмушнинг рангсиз, зерикарли манзаралари ўрнини энди одамларга маънавий озۇқа, эстетик завқ, рангин кайфият берадиган санъат асарлари, ижтимоий ҳаёт нафасини берувчи янгиликлар намоиши эгаллади. Унинг инсонлар ҳаётидаги ўрни ва бажарадиган вазифаси салмоғини чамалаш қийин. Ўзбек хонадонларида дунёда биринчи бўлиб экран ичида ҳаракатланаётган олам, тириклик акс этган мўъжиза туғилди. У хонадонларга инзис қириб, тўппа-тўғри хонанинг тўридан жой олди. Оила аъзоларини бир дастурхон атрофида жам қилди ва камига шу хонадонни забт этгани белгиси сифатида ўз “байроғи” — антенна-ни илиб қўйди. Шу билан у зафарли юришларини бошлади.

XX асрнинг 60-йилларида келиб, телевидение Ўзбекистон халқи маданий ҳаётини мустаҳкам ўрин эгаллади. Ўз навбатида, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида яшовчи аҳоли эҳтиёжини қондириш, яъни телевидение кўрсатувлари сонини кўпайтириш ва тоғ ортида жойлашган қишлоқларда яшовчи аҳолини телекўрсатувлар билан таъминлашда мавжуд 180 метрли телеминоранинг техник имкониятлари камлик қила бошлади. Шу сабабли баланд ва замонавий телеминора қуриш давр талаби бўлиб қолди. Ана шу ердан биз билган Тошкент телеминорасининг тарихи бошланди.

Аваллига телеминора лойиҳаси ва макети тасдиқланди. Сунг янги телеминора қурилиши учун Тошкент шаҳрининг энг баланд

нуқталаридан бири бўлган Бўсув канали бўйидан кўркам, манзарали, ўз ичига оролчани ҳам қамраб олган 6 гектар ер майдони ажратилди. Лойиҳалаштириш даврида асосий йўналиш ҳисобланган телевидение ва радиозиттиришдан ташқари яна қатор масалалар ҳал этилиши лозим эди. Телеминоранинг энг юқори қаватларида халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган, атмосферанинг турли қатламларидаги об-ҳаво, осмон жисмлари ва кўёш радиацияси (нурланиши) тўғрисидаги муҳим маълумотларни бериб турадиган ва атроф-муҳитни кузатувчи метеостанциянинг техник воситалари ўрнатилишига эътибор қаратилди. Қолаверса, телеминора сайёҳларни жалб этадиган обидалардан бўлиши учун унда шаҳар кўркини томоша қилиш майдони ҳамда икки залдан иборат ресторан қуриш лойиҳасига киритилди.

Шу тарих лойиҳалар тайёрланиб, режалар тузилди. 1978 йилнинг апрель ойига келиб эса қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бундай баландликдаги илк минорани қуриш ҳақиқий синов эди. Пойдевор қурилишининг ўзи 4 ой давом этиб, 11 минг куб метр бетон қоришмаси ва минг тонна темир арматура ишлатилди. Минора пойдеворига асосий марказ таянчи ва деталлар жойлаштирилган учта таянч оёқ ўрнатилган, унинг остида эса темир-бетон қоришмасидан иборат кучли масса жойлаштирилган. Асосий марказий таянч баландлиги бўйича беш қаватли 225 метрга тенг иккита аричга эга. Ҳар битта арич миллий тусдаги

эди. Қолаверса, лойиҳачилар олдида бошқа шаҳарларда фойдаланилган архитектура услублари Тошкентда такрорланмаслиги талаби қўйилган. Телеминорага кирариш (вестибюль)ни безашда кўпгина миллий услублар ва маҳаллий меъморлик материаллари қўлланилди. Жумладан, Фозгон (Нурота) мармари, мармарсимон оҳаги, гранит тоши ва ганчлардан фойдаланилган. Уймакорлик санъати билан тайёрланган жимжамдор паннолар, ойналар ва ёғочдан тайёрланган эшиклар ўрнатилди.

Минорадаги янгиликлардан яна бири — Швейцариядаги “Shindler” компаниясининг мамлакатимизда аввал қўлланилмаган, 220 метр баландликкача кўтариладиган учта тезюрор лифти ўрнатилди. Бинонинг 100 метр баландликда томоша майдончаси, 105 метр баландликда “мовий” ва 110 метр баландликда “алвон” зали ресторан қурилди. Телеминорага 5,20 киловатт қувватга эга 5 та телеузаткич ва 4 та радиозиттириш дастурини узатиш имкониятига эга бўлган 4 киловаттли 2 та УҚТ ЧМ “Дождь-2” радиостанцияси ўрнатилди.

Қуш парвози баландлигидаги мўъжиза

Шундай қилиб, минора аста-секин қад ростлади ва 1983 йил февраль ойида Ўзбекистон байроғи илк мартаба 375 метр баландликка кўтарилди. Мамлакатимиз



Хаким Йўлдошев олган суратлар.

нақш билан безатилган жимжамали панжара билан ўралган ва бу минорага ўзига хос жозоба бериб туради. Умуман, қурилиш майдонида чинакамга ижодий муҳит ҳукм сурарди. Иزلанишлар орқали қурилиш жараёнида йирик элементли конструкцияларни ўрнатилиши янги усуллари топилди, уларга патентлик гувоҳномалари берилган ва бу усуллар ихтиро деб эътироф этилган.

Телеминоранинг ҳажм-баландлик композициясини шакллантиришда бу масаланинг нафақат эстетик, балки иқтисодий, тиббий, психологик ва бошқа жиҳатлари ҳисобга олинди. Минора конструкцияларини темирдан тайёрлаш усули қабул қилинди, чунки бу усул сейсмик фаол ҳудудда амалга ошириладиган қурилиш талабларига бошқа усулларга қараганда тўлароқ жавоб беради. Психологик нуқтаи назардан минорада ишловчи ходимлар ҳамда меҳмонларда баландлик ва миноранинг тебраниши оқибатидаги нокулайлик ҳисларини йўқотиш масаласи ечимини топиш керак эди. Шунинг учун баландлиги 100-120 метр бўлган учта темир устун туташган ерда жойлашган кузатув майдончаси ва ресторан атрофи махсус ойналар билан ўралиб, унинг орқасидан ҳам қўёндан сақланиш, ҳам хавфсизлик мақсадида жимжамдор темир панжара ўрнатилди.

Асосий эътибор иншоотнинг эстетик ва архитектура кўринишига қаратилди. Телеминора шаҳарнинг янги ғоясига айланган, нафақат унинг кўрқига кўрк қўшилиши, балки янги рамзини акс эттириши лозим

тортиб, халқимизга топширишгача бўлган жараёнда фидокорона меҳнат қилган кўлаб инсонлар давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Лойиҳа муаллифларининг мақсади телеминорани аҳоли доимий ташриф буюрадиган масканга айлантириш эди. Уларнинг бу мақсади амалга ошди ва Тошкент телеминораси пойтахтнинг гавҳари сифатида доимо сайёҳларни ўзига чорлаб келмоқда.

Парижда Эйфель, Тошкентда телеминора

Сайёҳлик тенденциялари замонавийлик билан бирга ўзгариб бормоқда. Жаҳонда сайёҳликнинг янги йўналишлари ривожланиб, юртимизга кириб келяпти. Шу боис, мамлакатимизда туризмин ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий жиҳатдан етакчи тармоққа айланаётган бу соҳада имкониятларимиз кенг. Мазкур йўналишдаги лойиҳалар кўламини салмоқли. Шундай шароитда Тошкент телеминораси жозибдорлигини ошириш, сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш олдимида турган муҳим вазифалардан бири.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги тегишли қарори билан Тошкент телеминораси моддий-маданий меросининг кўчмас мулк объектлари (архитектура объекти) миллий рўйхатига киритилган. Шу боис, бинони таъмирлашда унинг архитектура кўриниши сақланиб қолишига катта эътибор қаратилди. Чунки иншоот айнан XX асрни эслатувчи, ўша давр муҳитини замонавийлик билан уйғун акс эттирадиган маскан ҳамдир. Меҳмонларнинг кўли айти ш муҳитини кўриш истагида келади.

Давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида “Истеъмолчиларга телевизион сигнални узатиш ва ер усти телевидение эшиттириш, кабель телевидение, IP телевидение, маълумотлар узатиш тармоқлари, мобил алоқа, интернет технологияларидан фойдаланган ҳолда телерадиозиттириш, телевизион ва радио хизматларининг барча турларини тўлиқ қамраб олган ҳолда рақамли эшиттиришни тақомиллаштиришимиз лозим”лигини таъкидлаган эди. Тошкент телеминораси айти ш вазифани бажаришда асосий нуқта ҳисобланади. Бугунги кунда телеминорада замонавий, юқори сифатли, дунёдаги энг илғор рақамли телеузаткичлар комплекслари ўрнатилган ва фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шу билан бирга, иншоотнинг туризм салоҳиятини янада оширишга қаратилган фаол ишлар изчил давом этаётди. Бунда, аввало, меҳмонлар, хорижий сайёҳларга қатор қулайликлар яратилляпти. Жумладан, илгари телеминоранинг томоша майдончаси ва “Коинот” ресторанига ташриф буюрувчиларга ўзлари билан мобил қурилмаларни олиб киришга рухсат этилган. Бугунги кунда ушбу тартиб бекор қилинган. Шунингдек, Тошкент телеминорасининг томоша майдончаси ва ресторанига кириш учун ташриф буюрувчилардан авваллигиде шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб этилмаётган. Ушбу талаб 2019 йил 16 ноябрдан бекор қилинди.

Телеминорада киришда QR-кодли тизим қурилмалари ишга туширилиб, чипталарни харид қилиш ва бошқа амалиётлар тўлиқ рақамлаштирилди. Иншоотга кириш қисмида маълумотлар доскаси, ярим ҳажмли элементдан телеминора сурати, дунёнинг машҳур шаҳарлари вақтларини кўрсатувчи соатлар, маълумотлар стикери ҳамда телеминорага ўтиш йўлағида кўрсаткичи ва йўналтирувчи стикерлар қўйилди. Тошкент телеминорасига ўрнатилган иллюминацион ёритиш чироклари эса пойтахтнинг тунги кўринишига янада кўрк қўшмоқда.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4493.
39932 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (788) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусахҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй